

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 338:07(009)

СИРОЖИТДИНОВ АВАЗ АЛИМОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА
СОҲАНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ**
(АТБ “Агробанк” Тошкент вилоят филиали материаллари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
доц. А.Исмаилов

Тошкент – 2018


Диссертация ишида кишлок хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва экспортини амалга оширишда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш, масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек, кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, кишлок хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва экспортини амалга оширишда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни таомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва экспортини амалга оширишда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

In this dissertation research was carried out on the improvement of the use of capital of commercial banks in the storage and export of agricultural products, also studied the socio-economic importance of agricultural development, peculiar features of improving the use of capital of commercial banks in the storage and export of agricultural products. The proposals on improving the use of the capital of commercial banks in the storage and export of agricultural products.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.


37- сонли баённома « 16 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Исмаилов А.


имзо

19.06.2018
сана

Магистр: Сирожитдинов А.


имзо

18.06.2018
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И. Хотамов

“21” май 2018 йил



Ҳимоя 2018 йил “22” 06 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ	4
I боб.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспортини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари....	10
1.1.	Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
1.2.	Аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.	20
	Биринчи боб бўйича хулоса	29
II боб.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳолати таҳлили.....	31
2.1.	Ўзбекистон аграр тармоғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....	31
2.2.	“Агробанк” АТБ Тошкент вилоят бошқармаси фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	46
2.3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, экспорт қилишдаги таъсир этувчи омилларни баҳолаш.....	54
	Иккинчи боб бўйича хулоса	66
III боб.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишни такомиллаштириш йўллари.....	67
3.1.	Минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишнинг истиқболли йўллари.....	67
3.2.	Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш асосида маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт потенциалини ошириш йўллари.....	73
	Учинчи боб бўйича хулоса	83
	ХУЛОСА	84
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	87

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзунининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамиз аграр тармогининг тубдан ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири, бу фаоллият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ҳамда рақобат муҳити шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сақлаш ва уни экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда ушбу ҳолатнинг юзага келиш сабабларини ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида энергетика саноатини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим” таъкидлаб ўтилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қуйидаги фикрларга алоҳида тўхталиб “...ўтган йили 650 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилинмай қолгани сабабларини атрофлича таҳлил қилиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 23 декабрь, 2017 йил.